Нодира ХАЛМУРЗАЕВА
катта илмий ходим-изланувчи
Тошкент давлат шарқшунослик институти

ЯПОН ТИЛИДА БИЗНЕС МУЛОҚОТДА ИШЛАТИЛАДИГАН ҲУРМАТ КОММУНИКАТИВ КАТЕГОРИЯСИ

Мақолада япон тилида иш вақтида ва ишдан ташқари ҳолатларда, бизнес мулоқотда ишлатиладиган ҳурмат коммуникатив категорияси, иш вақтида ишлатиладиган ҳурмат феълларининг хусусиятлари ўрганилган. Ҳурмат феълларининг ишлатилиш усуллари таҳлил қилиниб, учун ҳурмат феълларини ўрганишда талабалар эътибор бериши керак бўлган жиҳатлар кўрсатилган.

В статье рассматривается использование коммуникативной категории вежливости японского языка в деловом общении, в ситуациях во время работы и после работы. Кроме того, анализируются способы использования глаголов в вежливой форме, раскрываются стороны, на которые необходимо обратить внимание при изучении студентами глаголов вежливой формы в японском языке.

This article examines the use of communicative categories of politeness in business communication of the Japanese language, in situations at work and after work. Moreover, being analyzed how to use the verbs of polite forms, discloses sides of conversion the necessary attention when studying verbs of polite forms in Japanese by students.

Калит сўзлар: бизнес мулоқот, ҳурмат коммуникатив категорияси, япон тили, ҳурмат турлари, сўзлашув.
Ключевые слова: деловое общение, коммуникативная категория вежливости, японский язык, формы веживости, беседа.
Key words: business communication, communicative category of politeness, the Japanese language, the forms of politeness, conversation.

1983 йили йўлга қўйилган “100 минглик чет эллик талабани қабул қилиш” режаси 2003 йил майида 109,508та чет эллик талаба ҳисобида тўлиқ амалга оширилиб, ҳозирги кунда бу ҳисоб тахминан 150 мингтадан ошган. Яқин ўртада иқтисодиётнинг глобаллашув натижасида Японияда ишлашни истаган чет элликлар сони кўпайиб бормоқда.

Бироқ, ҳатто университет дарсларини эшитиб, қатнашиб, турли хил япон тилидаги ҳужжатлар билан ишлай олган чет эллик талабалар ҳам, ишга ҳужжат топшириш пайтида ўзларининг япон тилининг сўзлашув даражаси билан ишда талаб қилинадиган япон тилининг сўзлашув даражаси орасида

фарқни кўрадилар, ишга кирган тақдирда ҳам мулоқот жараёнида турли хил қийинчиликларга дуч келадилар.

Ишда талаб қилинадиган япон тили даражаси ҳақида гапиришдан аввал, бизнес (иш) фалсафаси, иш тартиби ҳамда билвосита иборалар, ноодатий мулоқот усуллари ҳақида тушуниб олиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, чет эллик талабалар учун бизнес мулоқотдаги япон тилида ҳурмат категориясига оид ҳурмат шаклларининг кўплиги қийинчилик туғдиради. Бу эса, бизнес мулоқот тартиби, билвосита ибораларнинг кўзга кўринмас даражада қанчалик муҳим бўлмасин, уларни ўрганиш ҳурмат коммуникатив категориясига кирувчи ҳурмат шаклларида намоён бўлади.

Бизнес мулоқот ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, муайян прагматик мақсадни олиб бориш учун амалга оширилади(1, 25).

Ҳозирги кунга қадар бизнес мулоқотда қўлланилиши лозим бўладиган ҳурмат феълларига тааллуқли бир неча тадқиқот ишлари қилинган, лекин уларда фақатгина ҳурмат феълларининг ўзи ўрганилувчи объект сифатида олинган бўлиб, ишлатилиш ҳолатлари ва феълларнинг ясалиши грамматик нуқтаи назардан бир неча бор кўриб чиқилган. Бундан ташқари, бизнес пайтида ишлатиладиган япон тилига оид тадқиқотларда ҳам курс дизайни ва стратегиялар ҳақида тўхталиб ўтилган, лекин ҳурмат феълларининг қанчалик кўплиги, уларнинг иш пайтида қай даражада қўлланилиши, ҳурмат феълларининг ишлатиш усуллари каби жиҳатлар умуман кўрилмаган.

Икеда Н.: “Бизнес япон тили” деган ибора кишилар ишлатишига қараб маъноси ҳам турли хил бўлади”, – деб уқтиради, ҳамда иш пайтида тўқнаш келган пайтда ишлатиладиган япон тилини изоҳлаб беради(3, 12).

У тадқиқотида ҳам айнан мана шу ҳолатларга тўхталиб ўтиб, фирма ходимлари билан ўзаро гаплашиш ва супермаркетларда харид қилиш каби ҳолатларни ушбу тадқиқотнинг объекти сифатида ўрганмайди.

Нисио К. эса, бизнес пайтида керак бўладиган япон тили ҳақида: “Ҳар бир давлатда ижтимоий, маданий, тарихий шаклланган бизнес фалсафаси ва кўриниши мавжуд, ҳамда бизнес ишларини олиб боришда одат ва маъсулиятни шакллантирувчи турли хил келишувлар бор” деб тилдан ташқари керак бўладиган воситаларни кўрсатади, айниқса тил хусусиятларини предметига шахсий курс дизайни ва ўқитиш тизими мавжуд деб уқтиради(5, 37).

Ҳозирги замонда, турли хил англашилмовчиликлар орқали ёзув сўзларининг кўпайиши, тил ўрганувчиларга керак бўлаётган япон тили даражасининг кўплиги сабабли, бизнес ишларида шахсий ёндашув ҳам ҳисобга олиниши талаб қилинмода, лекин талабаларга керак бўладиган билим шахсий ёндашувни босиб ўтгач, оммавийлашадиган асосий билимга эга

бўлиш ҳисобланади. Шу ўринда бизнес пайтида ишлатиладиган япон тилининг эътиборли тарафлари қуйидагилардан иборат:

1. Мулоқотда ҳиссиётга боғлиқ гаплар эмас, балки аниқ фактларга асосланган тўғри далиллар ҳисобга олинади.

2. Ўзаро суҳбат чоғида ҳурмат шакли, мажозий сўзлаша олиш томонларини ҳисобга олиб, суҳбатдошнинг жамиятдаги ўрнини баҳолай олиш талаб қилинади.

Бизнес мулоқот пайтида инсоннинг жамиятдаги ўрни муҳим аҳамиятга эга. Фойда олувчи тараф билан фойда берувчи тараф, ишда ката-кичик ҳурмати, буйруқ бериш ҳуқуқининг чегараси билан бир қаторда маъсулиятлилик каби хислатларни аниқлашда ҳурмат шакли жуда муҳим ҳисобланади.

3. Ўзаро суҳбатда, нутқнинг равонлиги, гапириш тезлиги талаб қилинади.

Бизнес мулоқот пайтида суҳбатнинг унумли кечиши учун маълум бир сўзлашув тезлиги талаб қилинади, ишдан ташқаридаги суҳбатдан кўра анча секин гапириш лозим. Айниқса, оғзаки суҳбатда ўзаро мулоқотда иккала тараф ҳам, ҳеч қандай тайёргарликсиз ҳурмат шаклда сўзлашган пайтида ҳам сўзлашув тезлигини пасайтирмаслик муҳим ҳисобланади.

Юқоридаги талабларни амалга ошириш учун талабалар ҳурмат шакллари билан биргаликда мулоқот этикетини ҳам ўрганишлари лозим бўлади, лекин бу ишимизда ёд олиш лозим бўлган асосий ҳурмат шаклларини кўриб чиқамиз.

Бу ерда, ҳурмат сўзларининг билдирувчи маъноларини кўриб чиқиш билан бир қаторда, япон тилини ўқитишда ҳурмат термини ишлатилаётганда қўлланиладиган “қаратиш иборалари”, “ҳурмат иборалари”, ҳурмат категорияси” ва “ҳурмат (полайтнесс)” сўзларни бир тартибга келтирмоқчимиз.

“Ҳурмат категорияси” бўйича Кикучи Я.–“бир хил воқеани ифодалашда, ифодалаш усулини ўзгартириш орқали ҳурмат сўзлари маъноси ўзгаради, шунинг учун бу сўзлар соҳавий иборалар ҳисобланади” дейди ва “оссяру”, “ирассяру” шакли, “моусиагеру”, “маиру” шакли ва “десу”, “масу” шаклларига ажратиб уч турда ҳурмат шаклларини классификациялайди(4,117).

Агар ҳурмат сўзларини “тор маъноли ҳурмат сўзлари” ва “кенг маъноли ҳурмат сўзлари” деб ажратадиган бўлсак, юқоридаги ажратган турларимиз “тор маъноли ҳурмат сўзлари” бўлиб, ушбу тадқиқотдаги ҳурмат сўзлари ҳам “тор маънодан” келиб чиқиб кўрилади.

“Ҳурмат(полайтнесс)” терминини П. Браун ва С. Левинсон киритган бўлиб, ўзбек тилидаги “ҳурмат” тушунчасидан фарқ қилади. “Ҳурмат(полайтнесс)” – барча коммуникация иштирокчилари мулоқот жараёнида "ўз ўрнида" ўзини қулай ҳис этишлари учун турли ижтимоий воситалар ишлатилишини кўзда тутади. Охир оқибатда ҳурмат – мулоқот жараёнида тўғри лисоний ва нолисоний стратегиялардан фойдаланиш қобилиятидир. Улар “ижобий юз” ва “салбий юз” стратегияларида намоён бўлади. Бунда хушмуомилалик ёки қўполлик, ҳурмат ёки беҳурматлик, кўкка кўтариш ёки ерга уриш каби тушунчалар қамраб олинади(2, 17).

Ҳурмат(полайтнесни) Усами М.“Кишилар суҳбатини силлиқ кечишида керак бўладиган тил воситалари” деб таърифлаган(6, 28).

“Ҳутмат(полайтнесс)” негатив ва позитив томонлари мавжуд бўлиб, япон тили ҳурмат шаклларининг ишлатилиши тингловчи, сўзловчининг жамиятдаги ўрнини тил воситалари орқали аниқланиши сабабли, эшитувчининг ички дунёсига кириб кетмаслик учун ҳам қўлланилади.

Ҳурмат шаклларининг турлари ҳақида, Кикучи “давлат таълим тизимига кўра, юқори ҳурмат, камтарлик ва ҳурмат каби уч турга бўлинади, аслида тадқиқотчиларга кўра бу учтадан ташқари боша турлар борлиги ҳам аниқланган” деб кўрсатганидек, бу турларнинг асоси ва турлари жуда кўп ўрганилган(7).

Ушбу тадқиқотларнинг натижаларига асосланиб, маданият тадқиқот комиссияси 2007-йил февралда ҳурмат сўзларининг асосий йўналиши “ҳурмат сўзлари йўналишлари” дастурини тадқим қилдилар. Унда ҳозирги даврда юқори ҳурмат, камтарлик ва оддий ҳурмат каби уч турни камтарлик биринчи ва иккинчи, оддий ҳурмат сўзларини: оддий ҳурмат ва латофатли сўзлар турларга бўлиш орқали 5 турга ажратадилар.

1. Юқори ҳурмат сўзлари: сўзловчи 2- ва 3-шахсдаги суҳбатдоши билан сўзлашишда, уларнинг воқеа-жараён ҳолатидаги ҳаракатини ифодалашда ишлатилади.

2. 1-даражали камтарлик сўзлари: сўзлашувчи томонидан суҳбатдошга учинчи шахсга қаратилган ҳаракат, ҳолатини тасвирлашда ишлатилади

3. 2-даражали камтарлик сўзлари: сўзловчи ўзининг ҳаракатларини суҳбатдошига баён этаётганида ишлатилади.

4. Оддий ҳурмат сўзлари: сўзловчи суҳбатдошига фикр ёки гап етказилаётганида қўлланилади.

5. Латофатли сўзлар: сўзларни гўзал қилиб такаллум билан етказмоқ учун қўлланилади.

Қуйида “Юқори ҳурмат сўзларининг йўналишлари” дастурида берилган турли хил ҳурмат шакллари ва уларнинг мисоллари берилади.

1. 尊敬語 — феълнинг юқори ҳурмат шакли

а) махсус шакл　　いらっしゃる、なさる

б) оммабоп усул　　お(ご)…になる　　お読みになる

…られる　　読まれる

…なさる　　利用なさる

ご…なさる　　ご利用なさる

お(ご)…だ　　ご利用だ

お（ご）…くださる　　お読みくださる

2. отнинг ҳурмат шакли　　お(ご)+名詞　　お名前

3. сифатнинг ҳурмат шакли　　お+形容詞　　お忙しい

4. от+だ га мос келувчи .ш.名詞＋でいらっしゃる　　先生でいらっしゃる

2. 謙譲語 — феълнинг камтарлик 1-шакли

а) махсус шакл　　伺う、申し上げる

б) оммабоп усул　　お(ご)…する　　お届けする

お(ご)…申し上げる　　お届け申し上げる

…いただく　　読んでいただく

отнинг ҳурмат шакли　　先生への手紙

3. 謙譲語 — феълнинг камтарлик 2-шакли

а) махсус шакл　　参る、申す、いたす、おる、存じる

б) оммабоп усул　　…いたす　　利用いたす

お(ご)…いたす

отнинг ҳурмат шакли　　小社、弊社

4. 丁寧語 - оддий ҳурмат шакли:

1. гап охирида кўмакчи феъл　　…です、…ます

2. гап охирида кўмакчи феъл　　…でございます

3. сифат билан　　形容詞+ございます(おいしゅうございます)

5. 美化語 - Латофатли сўзлар

1. феълларни чиройлилаштириш　　お料理する

2.отларни чиройлилаштириш　　お酒、ご挨拶

Бу феълларнинг бундай ажратилишига сабаб, феълнинг юқоридаги қолипларда келишига қараб, кимга қаратиб гапирилаётганлигини аниқлаш мумкин. Бундай ажратиш эса япон тили ўрганувчилари учун жуда ҳам ас қотади деб ўйлаймиз. Шу ўринда энг эътиборни тортиб, чалғитадиган шакллар оддий ҳурмат шакли билан Латофатли сўзлар ҳисобланади. Улар ўзаро бир-бирига ўхшаш бўлиб, кўпинча чет эллик талабалар учун қийинчилик туғдиради. Бунинг яна бир сабаби латофатли сўзлар кўп дарсликларда кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳам уни адаштириб юбориш осон.

Бу тадқиқотда Япон тили тадқиқот давлат марказининг “япон тили видео лавҳалари тадқиқот материали сифатида ўрганилди. Бу видео лавҳалар, япон тили ўрта даражага эга бўлган талабаларга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир бўлимда 1–5 қадар ҳолатлар тасвирланган бўлиб, ҳаммаси бўлиб 24та бўлим 71 ҳолат кўрилади.

Қуйидаги жадвалда ана шу видео лавҳаларда ишлатилган иш пайтидаги ва иш ташқари ҳолатдаги ҳурмат феъллари жамланди. Иш пайтидаги феъллар 270 марта, 100 та гап 38.19, ишдан ташқари ҳолатда 224 марта 100та гап 18.54 бўлди. Иш пайтида ишлатиладиган ҳурмат сўзларнинг сони ишдан ташқари ҳолатдан икки баробар кўп ишлатилганлиги аниқланди. Бу бизнес мулоқотда иш пайтидаги япон тилининг қўлланилишига анча эътибор бериш керак бўлган тарафлари борлигини кўрсатади.

Ҳар бир ҳурмат феъллари бизнес мулоқот пайтида 64 марта ҳурмат сўзлар, 118 марта 1-шакл камтарлик сўзлари, 55 марта 2-шакл камтарлик сўзлари, оддий ҳурмат сўзлари 33марта ишлатилганлиги аниқланди. Ишдан ташқари бўлган ҳолатда ҳурмат сўзлар 76марта, камтарлик сўзлари 86 марта, 2-шакл камтарлик сўзлари 14 марта, ҳумат сўзлари 48 марта ишлатилган, лекин улардан кўпи бизнес мулоқот пайтидаги ҳолатга ҳам кириб кетади. Бунга ҳурмат шаклининг “お (ご) + 名詞(от)” шаклнинг кўп ишлатилганлиги сабаб бўлди.

Бундан ташқари, бизнес мулоқот пайтида япон тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳурмат шаклидаги “олмоқ-бермоқ” феълларининг кўплигидадир.

Айниқса、”いただく-олмоқ” феълининг ҳолатга нисбатан грамматик ишлатилиш турлари кўп бўлиб, видео лавҳаларда「. . . ていただく」「. . . ていただける「. . . させていただく」「お（ご）。。。いただく」каби грамматик ўзгаришда келиши 29 марта, ўз ҳолатида келиши 5 марта жами 30 % бутун видео материалда қайтарилганлигини кўриш мумкин.

Турлари	Бўлиниши	Ани формаси	Бизнес олатда 707та гап	Ишдан ашари олат 1208 та гап
Юқори ҳурмат шакли сўзлари	Феъл	おっしゃる	2	1
		召し上がる	0	2
		お気に召す	0	1
		なさる …させる お（ご）…なさる	2 0 0	2 2 0
		くださる …てくださる お(ご)…くださる	0 0 1	1 3 0

		お(ご)…ください お(ご)…くださいませ	5 3	0 0
		いらっしゃる …ていらっしゃる	4 1	6 2
		お(ご)…になる	2	9
		…られる	2	1
		お(ご)…だ	3	4
	сифат	お(ご)+形容詞	7	9
		名詞+でいらっしゃる	2	2
		お(ご)+名詞	30	31
	ЖАМИ		64	76
Камтарликнинг 1- шакли	Феъл	伺う	16	1
		お目にかかる	3	0
		差し上げる	1	0
		拝見する	1	0
		頂戴する	1	1
		いただく いただける …ていただく …ていただける …させていただける お(ご)…いただく お(ご)…いただける お(ご)…させていただける	5 1 10 3 1 6 2 2	8 0 13 2 0 7 3 0
		お(ご)…する (そのうち、「お願いする」) お(ご)…いたす (お願いいたす)	32 15 19 12	38 21 3 2
	От	お(ご)+名詞	10	8
	ЖАМИ		118	86
Камтарликнинг 2-шакли	Феъл	いたす …いたす(失礼いたす)	2 15(10)	0 1(1)
		おる …ておる …いたしておる	2 26 0	0 9 1
		まいる …てまいる	4 1	1 0
		申す	5	1
		(と)存じる	0	1
	ЖАМИ		55	14
	Феъл	ございます	4	2

Оддий ҳурмат шакл	Сифат	形容詞+ございます	1	1	
	От+だ	名詞+でございます	21	5	
	От	お(ご)+名詞	7	40	
	ЖАМИ		33	48	
Умумий ҳисоб				270	224
Латофатли сўзлар	От	お(語)+名詞(過剰なもの)	2	14	

Демак, юқори ҳурмат сўзлари вақтида, иш пайтида ишдан ташқари ҳолатга солиштирганда 「お（ご）．．．になる」「．．．られる」каби ўзгариши осон бўлган феълларнинг шаклининг ишлатилиши камлиги аниқланди.

Камтарлик сўзларида 「いただく(олмоқ)」феълининг кўп ишлатилишидан ташқари, феълларнинг махсус шакли 「伺う (сўрамоқ, бормоқ)」феълининг камтарликнинг 1-шаклида ҳам кўп чиқди. Жумладан, 「訪問する」ташриф буюрмоқ, бормоқ маъноларида 12 марта, 「尋ねる」илтимос қилмоқ маъносида эса 4марта ишлатилиб, бизнес пайтида 「伺う」ни 「行く」маъносида кўп ишлатилиши аниқланди.

Яна феъллар асосига қўшилувчи 「お(ご)...になる\する」 шакли феълни камтарлик даражасида ишлатилиши билан бир қаторда 「ています」шаклида келган асос 「ております」шаклида келиши талаб қилинар экан. Бундан ташқари, です」「増す」шаклида тугаган феъллар 「でございます」шаклида қўлланилиши керак.「です」нинг ўзи келадиган бўлса, ҳурмат маъноси бузилган ҳисобланиб, унинг асосига шартли равишда 「お(ご)...」шакли қўйилиши лозим.

Ҳурмат коммуникатив категориясининг мазкур шаклларини видео лавҳалар ёрдамида япон тили дарсларида талабаларни таништириб бориш, хорижий тил ўргатишда самарали интерактив усуллардан бири деб хулоса қилишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Раҳимов Ғ. English franca тизимидан фойдаланувчилар ёзган матнларнинг социолингвистик хусусиятлари// Ўзбекистон хорижий тиллар илмий-методик электрон журнали, 3-сон, 2016 й.// www.journal.uz
2. Brown P., Levinson S. Politeness: Some universals in language usage / Brown, Levinson. – Cambridge: Cambridge University Press, 1987. – 345 p.

3. 池田伸子 2001『ビジネス日本語教育の研究』東京堂出版—350p.
4. 菊池康人 2003 「敬語とその主な研究テーマの概観」『敬語』朝倉 日本語講座 8 巻 朝倉書店—291p.

5. 西尾珪子 1994 「ビジネス・コミュニケーションと日本語教育」『日本語学』第 13 巻第 12 号 明治書店

6. 宇佐美まゆみ 2002『「ポライトネス」という概念』「言語」第 31 巻第 1 号 大修館書店

7.「東京新聞 2007 年 5 月 9 日 ｗｅｂ より」文化審議会 2007「敬語の指針」